Бир юз йигирма олти йиллик мустамлака тузумини бошдан кечирган милланинг давлат мустақиллигини тиклаганидан беш-олти йил ўтар-ўтмас ўз автомобиль қорхонасини яратгани, чиндан ҳам, улуг воқеа, катта сифат ўзгариши бўлганди.

Лекин вақт ўтгани сайин мазкур ютқудан миллий иқтисодиётимиз ва турдош соҳаларни илдамлаштириш йўлида фойдаланиш ўрнига, мамлакат рўзғори ва одамларимиз қундалик эҳтиёжини унга ипсиз боғлаб қўйдик.

Эскидан монопол бўлиб қелган электр, газ, иситиш тармоқлари ёнига яна биттаси қўшилди. Энг ёмони, экспортимиз, аниқроғи, миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бир бўгинини, асосан, бир мамлакатга қарам қилиб қўйдик. Юрт ичкарисида сунъий равишда яратилган етишмовчилик ва ў билан боғлиқ турли суиистеъмолликлар муҳити шароитида одамларимизни шу даражада худбинлаштириб юбордики, улар қанчон автономбиларимиз Россиядан қайтар экан, деб қўчи юрадиган бўлиб қолдилар.

Қўтчиликнинг нияти “ижобат” бўлган кезлар хали ҳам қўз ўнгимизда: қамчилик таниш-билиш, қўтчилик пора эвазига шартнома қилинди. Энг ёмони, экспортимиз, аниқроғи, миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бир бўгинини, асосан, бир мамлакатга қарам қилиб қўйдик. Юрт ичкарисида сунъий

Одамлар рози бўлса, ишимизга унум ва барака инади

Куронбой САФАРОВ,
(Урганч шаҳри,
Ашхобод маҳалласи):

— Гарчи шароити оғир бўлса ҳам ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган масканда мўқим яшади, бошқа жойга кўчиб кетмаслик халқимиз менталитетида хос хусусият. Қўни-қўннилар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро борди-келдилар бизни маҳаллага мустақам рашталар билан боғлаб туради. Ховли-жойларнинг бузилиши нафақат моддий, балки маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Ана шундай бир шароитда уйларни бузишни аҳолини рози қилиб, қонун доирасида, пухта режа асосида амалга ошириш керак. Тадбиркорлар ва хорижий сармомдорлар иморатлар куриш учун бундан ташқари таъминот мақсадда мувофиқ бўлади. Шунда турли кўнгилсиз воқеалар юз беришининг олди олинади.

Фарзандларим, набираларим

билан янги иморатимизни тикла-йимиз. Нима муаммо бўлса, маҳал-ла худудида ташкил қилинган кури-лиш штабига мурожаат этсак, дар-ров ҳал қилинапти. Одамларнинг кайфияти яхши, насиб этса, кузда маҳаллаимизда ховли тўйлари бир-бирига улашиб кетади.

Равшан МИРЗАЕВ,
Риштон туманидаги
“Чинигарон” маҳалла
фуқарolari йигини фаоли:

— Куни кеча ўтказилган видео-селекторда Президентимиз Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳокимлари ва курилиш ишларига масъул идора раҳбарларини “снос” ишларида ортиқча манманлик, бировни менсимаслик, Президент сиёсатини нотўғри талқин қилган-лиги учун қаттиқ танқид қилди.

Фарғона вилояти ҳокимининг Риштон халқи билан учрашиб, кенг жамоатчилик билан юзма-юз суҳбатла-шишни, улардан Чин дилдан ке-чирим сўрашини, очиги, биз қутмаган эдик. Халқ билан келишиб, оқсоқол-лар билан бамаслаҳат иш қилиш бу-

гун замон талаби эканлигини энди ай-рим “оёғи ердан узилган” раҳбарлар ҳам англаб етдилар деган умидда-ман. Биз, риштонликлар адолат қарор топиб, “снос”лардан азият чеккан аҳолига зарур моддий ва маънавий кўмак берилётганидан мамнунмиз.

Манзура ШОКИРОВА,
(тадбиркор, Риштон тумани):

— 20 йилда Риштон марказий деҳқон бозоридида 6 марта курилиш ишлари олиб борилди. Бозор қирғоғидаги иккита дўконишни шу йиллар мобайнида 3 марта бўзиб, қайта қурдим. Орттириб бирор йи-риқроқ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўя олмадик. Туман марказидаги курилишлар ва “буз-буз”лардан зада бўлганмиз. Энг қизиғи, бозор-даги дўконларнинг қонунда белги-ланган тартибга амал қилмай, ҳеч қандай оғохлантиришларсиз, ком-пенсация пулларисиз бузиб ю-борилганлиги ва ўз фирмини очиб баён қилганларга турли тазйиқлар бўлганлиги бор гап.

Вилоят ҳокими ҳамда курилиш ишларига масъул идора вакиллари-

нинг халқдан кечирим сўраши, очиги, мени хайратлантирди. Энди улар ҳам тасста тушиб, бизнинг дардимизни тингласалар, йиллар мобайнида қийнаб келатган муаммоларимиз-ни бартараф этишга кўмаклашсалар, шу юрт ривожини учун ўз ҳиссамизни қўшишдан ҳеч қачон чарчамайми. Хафсаламиз пир бўлмайди.

Олим ЭРГАШЕВ,
(меҳнат фахрийси,
Яккабоғ туманидаги
Ибн Сино номидаги маҳалла):

— Халқимизда “бирники мингга, мингники туманга” деган гап бор. Хизмат вазифасида ўтирган бир ноинсофнинг катта-кичик билан маслаҳатлашмасдан, мулк эгалари-нинг розилигини сўрамасдан туриб, нотўғри ҳаракатлари оқибатида ке-либ чиққан тушунмовчиликлар учун вилоят раҳбариятининг халқ олди-да юзи шувут бўлди.

Президентимизнинг куни кеча ўтказган видеоселектор мажлисида учта вилоят раҳбарига бўлган тан-қидий фикрлари барча ҳокимлар учун ибрат бўлди, албатта. Шундан

кейин вилоятимиз ҳокими Зафар Рўзиев туманимизга келиб, уйи, дўкони бузилган одамлар билан уч-рашди, улардан шахсан узр сўра-ди. Халқимизнинг руҳини кўтариш кераклиги, уларга кўмаклашиш раҳбарларнинг асосий вазифаси эканлигини айтди.

Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу иш-ларнинг устиди турган мутасадди-лар ўзларининг уйи бузилганида қандай аҳволга тушар эди. Шунинг учун ҳақиқий раҳбар халқ билан иш-лаётганда уларнинг ташвишини, ав-вало, ўзи ҳис қилиши, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриши керак. Ахир уй-жой бўладими, дўкон бўла-дими, умуман, мана шу мулк учун бир оила бутун умрини бағйшлаган-ку!

Президентимиз қайта-қайта уқтирганидек, нимаики иш қилсак, аввало, халқнинг розилигини олиб, кейин амалга оширишимиз лозим. Зеро, азгу ва хайри ишларнинг барчаси халқ дуоси ва розилиги билан бўлади.

«Халқ сўзи» мухбирлари
ёзиб олди.

Фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар тақдирига масъулият билан ёндашилади

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги барча кўмита-лар, сиёсий партиялар фрак-циялари ҳамда Экоҳаркат депутатлар гуруҳи вакиллари бу борада муҳим вазифалар-ни белгилаб олиш, “Йул ха-риятлари”ни ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини қатъий таъминлаш зарур, деган фикрни билдирдилар.

Парламент қуйи палата-сида қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида кичик биз-нес ва тадбиркорликни ри-вожлантириш масаласига янада жиддий ёндашиш, де-путатларнинг жойлардаги халқ билан мулоқотлари дои-расида тадбиркорлар муам-моларини чуқур ўрганиш, уларни қийнаётган масала-ларни ҳал этишга эътиборни ошириш зарурлиги таъкид-ланди.

Яна бир муҳим масала — тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, ажратилган маблағ-ларнинг мақсадли ва самара-ли ишлатилишини таъминлаш масаласи ҳам атофлича му-ҳокима қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, банклар томони-дан кредит маблағларини аж-ратиб жараёнада бўладиган бюрократик тўсиқлар,

сансалорлик ҳолатлари аҳоли-нинг эътирозларига сабаб бўляпти.

Ийгилишда парламент қуйи палатасидаги Бюджет ва икти-солий ислохотлар қўмитаси юқоридаги каби муаммоларни бартараф этишда ташаббус етарлиқа кўрсатмаётгани тан-қид қилинди. Шундан келиб чиқиб, кўмита фаолиятида янги институт — тижорат банкларининг аҳолига кўрсат-таётган хизматлари юзасидан ахборотини эшитиш амалиёти-ни жорий этиш белгиланди. Банклар томонидан ажратил-ган кредитларнинг мақсадли сарфланиши ҳам кўмита то-монидан кузатиб борилиши-га келишилди.

Фаолиятини тўхтатган кичик бизнес субъектларини қайта тиклаш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Парламент қуйи палатасининг депутати ишни тўхтатган кичик бизнес субъекти вакили билан учра-шиши, бунинг сабаблари бил-лан қизиқиши, муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиши ло-зимлиги қайд этилди.

Ийгилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ваколатларига доир бошқа ма-салалар ҳам кўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Хамкорлик Дастлабки келишув

Бугунги кунда юртимизда ички ишлар органларини тақомиллаштириш, уларнинг қўйи бўғинларини аҳолига яқинлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини мунтазам мустақамлаб боришни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-зирлиги Малака ошириш инсти-тутини томонидан Президентимиз-нинг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, на-зорат ва шахсий таркиб билан иш-лашининг самарали тизимини жо-рий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида кенг кўламли ишлар амалга оши-риляпти. Хусусан, хорижий дав-латлар билан хамкорлик алоқала-ри мустақамланмоқда.

Малака ошириш институти раҳ-бариятининг Хитой Халқ Респуб-ликасининг Жамоат хавфсизлиги вазирилик раъсий вакили Лю Тунпин билан учрашуви ҳам шу мақсадга қаратилгани билан ахамиятли бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар, айни чоғда Чин юртидаги турдош

таълим муассасалари билан хамкорлик ўрнатилган ҳамда уларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни институтининг ўқув жараёнига кенг жалб қилиш, кел-гусидаги хамкорлик муносабатла-рини ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, шу кунгача институти ва унинг филиалларида ўтказилган саийёр ўқувларда 12 минг нафар-дан ортиқ соҳа ходимлари мала-ка оширди.

Мулоқотда Хитойнинг Жамоат хавфсизлиги вазирилик тизими таъ-лим муассасалари билан яқиндан хамкорлик қилиш ҳамда институти профессор-ўқитувчилари стажиров-каларини ўтказиш бўйича дастлаб-ки келишувга эришилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»)

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА, ПУХТА МЕЪМОРИЙ ЕЧИМ ВА КЎРКАМ ҚИЁФА

Айни пайтда кенг кўламли бунёдкорлик ишларига 30 мингдан ортиқ ишчи-му-тахассислар, минглаб техникалар жалб қилинган. Пойтахтимиз ва вилоятлар-да барпо этилаётган арзон уй-жойлар ҳудудлар қиёфасини ўзгартириш, за-монавий инфратузилма яратиш билан бирга, жамиятдаги қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг шароитларини яхшилашга хизмат қилаётгани билан ахамиятлидир.

Яна бир эътиборга молик жиҳат: уй-жойлар барпо этилиши гишт, тайёр бетон қорини каби курилиш ма-териаллари ишлаб чиқариш ҳамини ҳам оширди. Қолаверса, 2017 ва 2018 йилларда уй-жойларга кўчиб ўтган 24 мингдан ортиқ хонадонлар сохи-ларининг камда ярми маиший техни-ка ҳамда жиҳозлар сотиб олгани мам-лакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўси-шига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Пойтахтимиздаги уйлар хусусида гап кетганда, Сергели туманини ало-ҳида айтиб ўтиш жоиз. Чунки энг кўп иморатлар айнан ушбу туман ҳисса-сига тўри келади. Мазкур ҳудуд ўзига хос эксперимент вазифасини ҳам ўта-моқда, десак, хато бўлмайди. Жумла-дан, жорий йилда бу ерда 80 хона-дондан иборат 16 қаватли уй қўйма темир-бетон усулида барпо этиляпти.



Мутахассислар таъкидлашчи, бун-дай лойиҳа асосидаги уй зилзилага чидамлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Бу типдаги кўп қават-ли тураржой, шунингдек, Андижон шаҳрида ҳам бунёд этилмоқда.

Қисқаса, бугунги кенг миқёсда ўзга-риш ва ислохотлар натижасида одам-ларнинг ҳаёти яхшиланиб, келажакка умид ҳисси кучайди. Айниқса, янги ва

арзон уй-жойга эга бўлаётган ёш ои-лаларнинг қувончи чексиз. Зеро, кури-лиш соҳасидаги бундай ислохотлар-дан қўзланган асосий мақсад ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлашдан иборатдир.

Дилшод УЛҒУМРУДОВ
(«Халқ сўзи»)
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Ал-Рияда» ва «Ал-Жазира» ўзбекистонлик ҳожилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади

“Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан зиёратчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, ҳаж жара-жатларини янада арзонлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар юртдошларимизни че-ксиз қувонтирди, — дейди мамла-катимиз элчиси саудиялик мух-бирларга. — Ҳаж сафари билан боғлиқ ташкилий ишлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ма-салан, илгари ҳожиларимиз икки ва уч юлдузли меҳмонхоналарда яшаган бўлса, 2019 йилда Мадина шаҳридаги 5 юлдузли “Пулман Замзам” меҳмонхонаси, Макка шаҳридаги 4 юлдузли “Абраҳ ал-Хидая” меҳмонхонаси ижарага олинди. Бу эса зиёратчиларимиз бор диққат-эътиборини ибодат

қилишга қаратишида яна бир му-ҳим омили бўлмоқда.”

Саудия Арабистони нашрлари журналистлари ўзбекистонлик зиёратчиларни кутиб олиш, кузатиш ва уларга қўлай шарт-шароит яратиш ишлари махсус ишчи гуруҳи, Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консулхо-наси ва Саудиянинг “Ал-Хидая” ширкати хамкорлигида ташкил этилаётганидан хабар берган.

Мақолада Ўзбекистон раҳбария-ти томонидан мамлакатимиз ва-килларининг ҳам ва умра зиёрат-ларини муқаммал бажаришини ташкил қилиш йўлида амалга оши-рилатган сай-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот акс этган.

«Халқ сўзи» махсус мухбири
Сайд РАҲМОНОВ тайёрлади.

Президентимиз раис-лигида 2 август куни ўтказилган йиғилишда айнан ушбу масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, тадбир-корларга молиявий кўмак бериш, уларга ажратилаётган қарз маб-лағларининг мақсадли ва самара-ли ишлатилишини таъминлаш-га оид кўрсаткичлар ҳам муҳо-ма қилинди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, 2017-2018 йилларда банкдан кредит олган қўллаб тадбиркор-ларнинг лойиҳалари бўйича ер ажратилиш, инфратузилмага ула-ниши, руҳсатнома олиш, дастгоҳ-ларни келтириш ва бошқа турли масалаларга доир муаммолар борлиги сабабли, ушбу лойиҳа-лар рўёбга чиқарилмай қолмоқ-да. Натижада берилган кредит-ларнинг қайтарилишида муаммо-лар юзага келяпти.

Шу боис муаммолари бўлгани учун тўлиқ амалга оширилмаёт-ган лойиҳалар аниқланиши ва бу

Банклар мижозлар муаммосини бартараф этишда бизнес-хамкор

борада тижорат банклари ҳам иш-услугини тўдан ўзгартириб, ўз мижозлари билан ҳақиқий маъ-нода, бизнес-хамкор сифатида ишлаши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Халқаро кредит линияла-ри маблағларини тадбиркорлик соҳасига кенгроқ жалб қилиш, уларни ўзлаштириш борасида ҳар бир ҳудуд кесимида тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган берилиб, бу кредитларнинг йўна-лишлари ва шартлари тўғрисида ҳар бир мижозга тўлиқ маълумот бериб бориш зарурлиги қайд этилди.

Фикримизча, бу топшириқ ижроси юзасидан тижорат банк-лари ўртасида тадбиркорлар

муаммосини тезликда бартараф этиш ва Халқаро кредит линиялари маблағларини тад-биркорлик соҳасига энг кўп жалб қилган банкни аниқлаш тизими (мусобақа) ташкил қилиниши ва рағбатлантириш-лар белгилашни мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўз навбатида, “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томони-дан жойларга чиққан ҳолда, тадбиркорларга етказилган за-ларни хатловдан ўтказиш, бу маблағларни бозор қиймати асосида тўлаб бериш жараён-лари, бу борада жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолати юзасидан на-зорат-таҳлил тартибида ўрга-

Ташкилий масалалар муҳокамаси

Ҳар бир идора-нинг ўз талаб ва манфаатларидан ке-либ чиқадиган идоровий ҳуж-жатларни қўлайитирмасдан, ҳақиқий “оёқ-қўлли” ҳужжат-лар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади. Энг асо-сийси, соҳага оид барча да-ражадаги ҳужжатларнинг самарали ижроси устидан парла-мент ва жамоатчилик на-зорати йўлга қўйилади. Бу борада сенаторларнинг фаолиятини янада кучайти-риш, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бу борада-ги ишларини жонлантириш зарур. Токи, улар ҳам юрти-мизда бу борада қилинаёт-ган кенг кўламли ишларда фаол қатнашин.

Шунингдек, тадбирда

Ўзбекистон Республикаси-нинг чет элдаги ваколатхона-лари мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида халқро жамоатчилик-ни кенг хабардор қилиш за-рурлиги ҳақида ҳам сўз юри-тилди.

Одам савдоси ва мажбу-рий меҳнатга қарши курашиш борасида ривожланган хори-жий мамлакатларнинг илгор тажрибаси ўрганилиб, мил-лий амалиётга татбиқ қили-ниши лозимлиги қайд этил-ди.

Ийгилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлиф-ларни инобатга олган ҳолда Миллий комиссиянинг тегиш-ли қарори қабул қилинди.

Муниссон КАРИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БҮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Фарғона вилояти бошқармаси билан 2018 йил 9 ноябрда тузилган 243/2018-05-сонли шартномага асосан, <http://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 30 август** куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Фарғона вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами	Аукцион ўтказиладиган сана
1.	УАЗ 31512-010	1993 йил	40 744 НАА	97 247	30.08.2019 й.
2.	УАЗ 31512-010	1990 йил	40 250 КАА	97 248	30.08.2019 й.
3.	УАЗ 31512-010	1996 йил	40 228 ЯАА	97 249	30.08.2019 й.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Эътиқод кўчаси, 44-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «**E-IRO AUKSION**» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БҮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Навоий вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 265/2018-04-сонли шартномага асосан, <http://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 19 август** куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Навоий вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1	УАЗ 31514	1997 йил	85 496 САА	0097200

Аризалар 2019 йилнинг 17 августига қабул қилинади.

Автотранспорт сақланаётган манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳқўчаси, 220-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «**E-IRO AUKSION**» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БҮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Сирдарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган СИ-00048-сонли шартномага асосан, <http://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 26 август** куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Сирдарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	NEXIA CONC GM UZ	2009 йил	20 773 НАА	0095796
2.	NEXIA D GLE DAEWOO	2004 йил	20 336 ДАА	0095797
3.	DAMAS	1999 йил	20 339 ДАА	0095798
4.	УАЗ 31514-10	1996 йил	20 351 ДАА	0095799
5.	УАЗ 31514	2001 йил	20 356 ДАА	0095800
6.	УАЗ 31514	2001 йил	20 354 ДАА	0095801
7.	УАЗ 31514-10	1996 йил	20 356 ДАА	0095802
8.	УАЗ 31514	1997 йил	20 286 НАА	0095804
9.	УАЗ 31514	2001 йил	20 283 НАА	0095803

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 48-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «**E-IRO AUKSION**» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик жиамоси вазириликнинг Туризмни ривожлантириш соҳасида халқро хамкорлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Илфолжон Солиевга отаси

Орифжон Юсуповчи СОЛИЕВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

«Ҳаётнинг бошланиши. Ўзбекистон»



Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамкорлиги ҳамда ташаббуси билан I халқаро геотуризм форуми бўлиб ўтди.
Уч кун давом этган анжуманда 15 дан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган соҳа мутахассислари, геология ва минерал ресурслар бўйича фаолият юритувчи олимлар, геотуризмга қизиқувчи сайёҳлар қатнашди.

га, эрлар эса даврларга бўлинади. Масалан, ер геологик тарихининг учинчи эраси бўлган палеозой палеозой эрасидан 540 миллион йил аввал бошланиб, 290 миллион йил давом этган. Бу эра кембрий, ордовик, силур, девон, тошқумир ва перм даврларига бўлинади. Ушбу қўриқхона худудидан ўндан ошқ сойлар бўлиб, улардаги қатламлар айнан ўша даврларга мансубдир.

— Бу ердаги тошлар жуда қадимий, — дейди германиялик сайёҳ Маркус Байер. Бу Ер юзидagi 150 дан ортиқ жойларда учрай-

диган тоғ жинсларининг энг қадимийларидан биридир.

Бугунги кунда 3938 гектар майдонни эгаллаб турган қўриқхона тоғлари дунё океанидан ажралиб чиққан дастлабки қуруқлик эканига илмий асослар бор. Ушбу макон халқаро олимлар ҳамжамияти томонидан дунё океанидан қуруқликка чиқиш жойи сифатида қайд этилди. Форум ташкилотчилари томонидан янги сайёҳлик брендини илгари суриш бўйича махсус «Ҳаётнинг бошланиши. Ўзбекистон» дастурини ишлаб чиқишни тақлиф қилишди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ
(«Халқ сўзи»)
Муаллиф олган суратлар.

Халқаро форум

Форумнинг очилиш маросимида иштирокчиларга Китооб давлат геологик қўриқхонаси ва унда денгиз жониворлари ҳамда ўсимликларининг стратиграфик кесмалари ва қадимий қолдиқларини қўриқлаш ҳамда сақлаш учун қилинган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— Жаҳонда бу каби ноёб экологик худудни учратиш қийин, — дейди анжуман иштирокчиси, Новосибирск шаҳридаги Россия

нефть-газ геологияси ва геофизика фанлар академиясининг катта илмий ходими Надежда Исох. — Яъни бу ерда ётқиқликлар ва кесмаларда, тоғ жинсларида палеозой эрасидagi ҳаёт излари нисбатан тўлароқ сақланиб қолган. Қўриқхона геотуризм учун ҳам энг қизиқарли таассуротларга бой. Унда сайёҳлар сувда пайдо бўлган ҳаётнинг қуруқликка чиқиши жараёни акс этган макрофаунани бе-

восита кузатишлари мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, Ернинг ёши, геологик жараёнлар давом этган вақт миллион йиллар билан ўлчанади. Бу вақт эрлар-

Хабар

Тўрт юлдузли меҳмонхона қурилишига тамал тоши қўйилди

Американинг «GMFR al-Bukhary» компанияси президенти Диявер Гулям Имом Бухорий мажмуаси худудидa 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши маросимини очиб учун Самарқандга ташриф буюрди.

Меҳмонхона 3 қаватли, 100 ўринли бўлади. У халқаро «халол» стандарти асосида қурилади.

Бундан ташқари, меҳмонхонада ресторан, бар ва конференция зали бўлади.

Мазкур маросимда Самарқанд вилояти ҳамда Пайарик тумани мутасаддилари иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Форишда «Ҳарбий-тиббий эстафета»га старт берилди

Куни кеча «Фориш» тоғ полигонидa мамлакатимизда биринчи мартаба ўтказилаётган V Халқаро армия ўйинлари туркумига кирувчи «Ҳарбий-тиббий эстафета» баҳсларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақа

Унда Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-майор Баҳодир Курбанов, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, Россия мудофаа вазири ўринбосари, армия-генерали Тимур Иванов, турли давлатлар ҳарбий атташелари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мазкур мусобақа ҳар бир ҳарбий хизматчининг малакаси, қатъий характер ва интизоми, уйғунликда аниқ ҳаракатлана олиши, ҳақиқий жанговар вазиятда тез қарор қабул қилиш қобилиятини кўчатириши баробарида, уларда ана шу фазилатларни янада камолга етказиши билан эътиборга лойиқдир. Қолаверса, нуфузли мусобақанинг «Ҳарбий-тиббий эстафета» баҳслари юртимизда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ўзига хос эътирофи ҳамдир.

Жами 31 танловдан иборат бўлган Халқаро

армия ўйинларининг 16 таси Россияда, 4 таси Хитойда, 3 таси Қозғистонда бўлиб ўтади, Беларусь ва Эронда иккитадан, Арманистон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Мўғулистон ва Ўзбекистонда биттадан мусобақа ўтказилиши кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, бу галги Халқаро армия ўйинларида жаҳоннинг 36 давлатидан 217 та жамоа қатнашмоқда. Ҳарбийларнинг умумий сони эса 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Дебютант мамлакатлар сифатида майдонда Иордания, Камбоджа, Конго, Мали, Куба ва Шри-Ланкадан келган ҳарбийлар ҳам куч синашаётир. Шунингдек, АКШ, Франция, Туркия ва Словакия каби давлатлар вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этишяпти.



Мазкур халқаро мусобақада мамлакатимиз шарафини 230 нафар ҳарбий хизматчи ҳимоя қилади. Унинг барча йўналишлари, жумладан, айнаи чоғда Форишда ўтаётган «Ҳарбий-тиббий эстафета» баҳсларида вакилларимизга омад тилаймиз.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»)
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.

Фамхўрлик

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр алергология марказининг клиник тадқиқотлар бўлими мутахассислари Наманган шаҳри аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга ўз ҳиссасини қўшилади.

Болалар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди

Хусусан, вилоят болалар шифохонасида алергик, нафас олиш йўллари ва тери касалликлари билан хасталанган 30 нафар бола кўриқдан ўтказилиб, уларга тегишли маслаҳатлар берилди. 23 нафар бемордан биоматериал (қон) олинди.

Мазкур тадбир юртимизда молекуляр алергологияни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган вазифалар доирасида муайян худуддаги

аҳолининг сенсбилизация профилини аниқлаш мақсадида ўтказилди. Жараёнда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган халқаро ISAAC сўрновмасидан фойдаланилди. Муолажалар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши тушунтирилди.

«Халқ сўзи».

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АХОЛИ ВА УЛГҮРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик жамияти

шунинг маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 30 июлда тасдиқланган 633-сонли қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий ҳамда суултирилган газ учун нархлар 2019 йилнинг 15 августидан бошлаб қуйидагича белгиланади:

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда)
1.	Қуйидагиларга бериладиган табиий газ:		
1.1.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига, идоравий ва муниципал тураржой фондига, юридик шахсларнинг ётоқхоналарига ва аҳолининг газ таъминоти учун табиий газдан фойдаланиладиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳамда иссиқ сув таъминоти ва тураржой биноларини иситиш учун — маҳаллий қозонхоналарга, газни ҳисобга олиш мосламалари мавжуд бўлганда	куб.м	380,0
1.2.	Табиий газни ҳисобга олиш мосламалари мавжуд бўлмаганда коммунал-маиший эҳтиёжлари учун аҳолига: - овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун; - иситиш учун	куб.м куб.м	660,0 380,0
1.3.	автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари учун (жумладан, ўз балансида автомобиль газ тўлдириш компрессор станциялари бўлган юридик шахслар)	куб.м	1000,0
1.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчиларга	куб.м	1000
1.5.	Бошқа улгуржи истеъмолчиларга	куб.м	660,0
2.	Маиший эҳтиёжлар учун сотиладиган суултирилган газ	кг.	1120

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-0788

«World» ишлаб чиқариш компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дилери

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган, мош, шол, нўхат ва бошқа шу каби экинлар ҳосилини йиғадиган

«WORLD» русумли комбайн ва тракторларни буюртма асосида, завод нархида етказиб беради.

Махсулот сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй.
Тел.: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 40 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 48 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 43 000 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 68 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 52 000 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 56 000 сўм/п.м.

Махсулотлар сертификатланган.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6